

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтаъсир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулоти орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципнинг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

ЎҚУВЧИЛАРНИ МАСАЛА ТУЗИШГА ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРДАН Фойдаланиш

А.Асимов

Аннотация

Мақолада бошланғич синфда масала тузиш усуллари ёритилган.

Аннотация

В статье освещены способы составления задач в начальной школе.

Annotatsion

The article describes the ways of making task at primary school.

Таянч сўз ва иборалар: масала тузиш, масала шартини, расм ёки чизма ёрдамида масала тузиш, масалага тескари масала тузиш, масала шартини ўзгартириш, масала саволини ўзгартириш.

Ключевые слова и выражения: составление задачи, условие задачи, составление задачи при помощи рисунка или чертежа, составление задачи обратной данной задаче, изменение условия задачи, изменение вопроса задачи.

Keywords and expressions: formulating task, condition of task, formulating task by drawing and schemes, formulating inverse task, changing condition of task, changing of task's question.

Мактабда математикани ўқитишнинг бошидан ўқувчиларда математик масалалар, математик тушунчаларни тўғри шакллантиришга, атроф-муҳитнинг ўзаро алоқадорлигининг турли жиҳатларини чуқурроқ англашга ёрдам беради, ўрганилаётган назарий қоидаларни қўлланишни кузатилаётган ҳодисаларда ҳар хил сонли боғланишни ўрнатиш имконини беради. Шу билан бирга масалалар ечиш ўқувчилар тафаккурини ривожлантиради. Уларда атрофимизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга ўз муносабатини билдириш хусусиятлари шаклланади ва ривожланади.

Бугунги кун ўқитувчилардан масала ечишда янги ғоялардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Зеро, бу, таълим бериш сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларда масала ечимини топишдан ташқари, уларнинг масала тузиш малакасини шакллантиришга ҳам эътибор бериш зарур. Бу эса уларда ижодий фикрлаш хислатларини шакллантиришга ёрдам беради.

Масалалар тузиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1. Расм ва чизма ёрдамида масала тузиш.
2. Қисқа ёзув асосида масала тузиш.
3. Берилган масалага тескари масала тузиш.
4. Масала шартини ўзгартириш орқали масала тузиш.
5. Масала саволини ўзгартириш орқали масала тузиш.

Расм ва чизма ёрдамида масала тузишга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Бундай масалалар матнини тузишни қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқайлик.

6-масала (4-синф)



Ўқувчи ҳар бири 150 сўмдан 5 та расм дафтар ва 6 та дафтар сотиб олди. Ҳаммасига 900 сўм тўлади. Битта дафтар неча сўм туради?

А.Асимов – ФарДУ, физика - математика фанлари номзоди.

- Ечиш: 1) 5 та расм дафтари неча сўм? $150 * 5 = 750$ сўм;
 2) Олтита дафтар неча сўм? $900 - 750 = 150$ сўм;
 3) Битта дафтар неча сўм? $150 : 6 = 25$ сўм

Жавоб: 25 сўм

Масаланинг сонли ифодаси: $(900 - 150 * 5) : 6$

Шундан сўнг видеопроектор орқали экранда юқоридаги масалани куйидаги шакли кўринади:

Бу масала шартини ўзгартириб, куйидаги масалаларни ҳосил қилиш мумкин:
 1 – масала

Оддий дафтарнинг нархи канча



Ўқувчи ҳар бири 25 сўмдан 6 та дафтар ва 5 та расм дафтар сотиб олиб, ҳаммасига 900 сўм тўлади. Битта расм дафтар қанча туради?


- Ечиш: 1) Олтита дафтар неча сўм туради? $25 * 6 = 150$ сўм
 2) Бешта расм дафтар неча сўм туради? $900 - 150 = 750$ сўм
 3) Битта расм дафтар неча сўм туради? $750 : 5 = 150$ сўм

Жавоб: 150 сўм

Масаланинг сонли ифодаси: $(900 - 25 * 6) : 5 = 150$

2 – масала

Ҳаммаси неча сўм туради?



Ўқувчи ҳар бири 150 сўмдан бешта расм дафтар ва ҳар бири 25 сўмдан олтита дафтар сотиб олди. Ўқувчи ҳаммаси бўлиб неча сўм тўлади?

- Ечиш: 1) Бешта расм дафтар неча сўм туради? $150 * 5 = 750$ сўм;
 2) Олтита дафтар неча сўм туради? $25 * 6 = 150$ сўм;
 3) Ўқувчи ҳаммаси бўлиб неча сўм тўлади? $750 + 150 = 900$ сўм

Жавоб: 900 сўм

Масаланинг сонли ифодаси: $150 * 5 + 25 * 6 = 900$

Шу йўл билан битта масаладан турли янги масала ҳосил қилинади.

Шундан сўнг ўқувчилар шу хилдаги масалаларни еча оладилар.

3- синфдан бошлаб ўқувчиларни жадвалдан фойдаланиб масала тузишга ўргатиш мумкин.

Масала: куйидаги жадвалдаги маълумотлар асосида масалалар тузинг.

Ушбу жадвалда фермер хўжалиги етиштирган маҳсулот миқдори, ҳар бир килограммнинг баҳоси ва сотувдан тушган пул миқдори келтирилган.

Маҳсулот номи	Миқдори	Баҳоси	Жами пул
Карам	20 т	2000 сўм	?
Лавлаги	2500 кг	?	25000000 сўм
Пиёз	40 т	?	60000000 сўм
Помидор	?	1500 сўм	45000000 сўм

Сонли ифодага кўра масала тузиш босқичи энг қийин босқичлардан бири бўлиб, ўқитувчи сонли ифодани тузганда, у ердаги сонлар атрофимиздаги маълум бир реал воқелик, ҳодиса жараёнига тўғри келиши керак. Масалан, $(20+30):2$ сонли ифода кўринишида ечиладиган масала тузганда, қавс ичидаги сонлар йиғиндиси 2 га бўлиниши керак.

Юқорида келтирилган усуллардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларда кузатувчанлик хислатларини шакллантиради, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Зикр этилган усулларнинг баъзи бирларидан 1-синфдан бошлабоқ қўллаш яхши самара беради.

Адабиётлар:

1. Бикбаева Н. У. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи , 1996.
2. Асимов А. Масала саволини ўзгартириш. -Фарғона зиёси . – 2018 йил, 6- сон.

(Тақризчи: Т. Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)